

## **Ижобий фикр билдирилган**

### **АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ**

*«Марказий дехкон бозори» АЖ  
тасисчилари ва раҳбариятига*

Мен, Маматов З.Т малака сертификат №04589-сонли 09.07.2013 й. берилган. МЧЖ «ОДИЛ АУДИТ» аудиторлик ташкилоти директори Маматов З.Т. Юридик манзили Тошкент шаҳар, Тафаккур-68А, тел/факс; (+99871) 256-47-60, е [odilaudit@gmail.com](mailto:odilaudit@gmail.com). Лицензия Уз.Р. МВ №00143 18 август 2008 йилда берилган. Барча хужалик субъектларда аудиторлик текширувини утказиш ҳуқуқига эга, Уз.Р. Адлия вазирлиги Гувоҳномаси 271-сон ,х/р 20208000900513283001 АТБ «AZIAALLIANCEBANK» МФО: 01102, СТИР рақами 202071199. 2017 йил 20 февралдаги 33/18-сонли тузилган шартнома буйича хужалик юритувчи субъект «Марказий дехкон бозори» АЖнинг Бугалтерия баланси (1-шакл), Молиявий натижалар тугрисидаги ҳисобот (2-шакл), Пул оқимлари тугрисидаги ҳисобот (4-шакл), Хусусий капитал тугрисидаги ҳисобот (5-шакл) иборат 2017 йил 31 декабрь ҳолатига булган молиявий ҳисоботнинг ишончлилигини мажбурий аудиторлик текширувидан утказдик.

#### **Хужалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги**

Хужалик юритувчи субъект раҳбарияти бугалтерия ҳисоботи тугрисидаги конун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

#### **Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги**

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги утказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз «Марказий дехкон бозори» АЖнинг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан утказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий аҳборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари буйича бугалтерия ҳисоби тугрисидаги конун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларга мувофиқ утказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб курсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга булишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва утказишни тақозо этади.

Аудиторлик текширувини аудиторлик далилларини олишга йуналтирилган аудиторлик амалларини утказишни уз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланди.

Аудиторлик текширувини давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тугрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

#### **Ижобий фикр**

Бизнинг фикримизча хужалик юритувчи субъект «Марказий дехкон бозори» АЖнинг 2017 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари буйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хужалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бугалтерия ҳисоботи тугрисидаги конун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

**Аудиторлик ташкилоти раҳбари**  
**2018й. «5»март**

**Маматов З.Т.**